

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ БД – 5220100 – 2.05
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иктисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: журналистика)	5220100 – Журналистика (халқаро

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Қосимова Н. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедрасининг мудири, ф.ф.н., доцент

Дадахонов А. – ЎзДЖТУ аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Маматова Ё – ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедрасининг мудири, ф.ф.д., доцент

Абдуллаев Б. – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайт ахбороти таҳририяти бош муҳаррири

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ахборот технологиялари ва ахборот алмашинуви жараёнларининг глобаллашуви журналистика соҳасига ҳам катта ўзгартиришлар олиб кирди. Журналистиканинг янги кўринишлари: интернет журналистикаси, фуқаролик журналистикаси, интерактив журналистика, блоггерлик журналистикаси каби соҳаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мазкур соҳаларда эркин фаолият юрита оладиган мутахассис кадрларга ҳам эҳтиёж яратди. Ушбу дастур айнан шу йўналишдаги интернет журналистикаси ва унинг янги тармоқларининг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига қамраб олади.

“Интернет журналистикаси” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга интернет журналистика тизимининг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ривожланаётганлиги тўғрисида билим беришдир.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Интернет журналистикаси” фани орқали талабаларга интернет журналистикасининг хусусиятлари, интернет ОАВ учун материаллар тайёрлаш, блоггерлик ҳамда онлайн ахборот тарқатиш билан боғлиқ фаолиятлар ҳақидаги билимлар берилади. Буларни амалга оширишда талабалар маъруза дарсларида назарий жиҳатдан фанни ўзлаштириб, семинар дарсларда талабаларнинг ўзлари томонидан компьютерларда саҳифалаш ишларини бажариши кўзда тутилган.

Қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали фаннинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш назарда тутилган:

- интернетнинг ОАВ сифатида шаклланиши ва журналистиканинг ажралмас бўлагига айланиши;
- янги ОАВнинг имкониятлари, устунликлари ва уларнинг анъанавий ОАВнинг хусусиятлари билан солиштирилиш;
- доимий ижтимоий-таҳлилий мақолалар берилиб турадиган расмий ва норасмий веб-сайтлар ҳақида;
- эшиттириш ва кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон Интернет тармоғи орқали узатилиши.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- ахборот глобаллашуви ва замонавий ахборот тизимларидан самарали фойдалана олиши;
- интернетнинг ОАВ сифатида шаклланиши ва журналистиканинг ажралмас бўлагига айланиши;
- интернетнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси;
- Ўзбекистонга интернетнинг кириб келиши ва ривожланиши;
- Интернет ОАВнинг ҳуқуқий асослари;
- виртуал ОАВнинг имкониятлари, устунликлари ва анъанавий ОАВга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари;
- расмий ва норасмий веб-сайтлар;
- сайтнинг контенти ва дизайни;
- сайтга жойлаштириш учун маълумотларни ажратиб олиш;
- интернет журналистикаси жанрлари;
- интернет нашрларга материал тайёрлашнинг ўзига хосликлари;
- интернет нашрларда тижорий ва реклама ахбороти;
- фуқаролик журналистикаси ва унинг хусусиятлари;
- интернет блоглари ва блоггерлик фаолияти;
- ижтимоий тармоқлар таснифи ва аудиторияси;
- ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари саҳифасини очиш;
- ижтимоий тармоқлардаги давлат ва фуқаролик жамияти органлари ахборот хизматлари саҳифаларида инфографиканинг ўрни;
- блог тушунчаси ва уни ташкил этиш сирлари;
- блог юритишнинг тамойил ва қоидалари;
- интернетда ахборот хавфсизлиги ҳақида **тасаввурга эга бўлиши керак;**
- интернет тушунчаси ва унинг ривожланиш тарихини;
- сайтларнинг турларини;
- сайтнинг мазмуни ва дизайнини;
- сайтга жойлаштириш учун маълумотларни ажратиб олиш;
- ижтимоий тармоқларда журналистик фаолиятни илгари суришни;
- блог тушунчаси ва уни юритишнинг қоидаларини;
- интернетда ахборотнинг маънавий ва техник хавфсизлиги моҳиятини;

- эшиттириш ва кўрсатувларнинг сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон интернет тармоғи орқали узатилишини;
- онлайн журналистиканинг бугунги ҳолати ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини;
- журналистларнинг интернетда ишлаш қулайликларини;
- фуқаролик журналистикасининг жамият ва давлатнинг демократлашувидаги ўрнини;
- ижтимоий тармоқларда интерфаоллик хусусиятларининг кучлилигини;
- интернет журналистикасида ОАВнинг барча турларига хос хусусиятларнинг конвергенциялашганини;
- интернет журналистикасининг ахлоқий меъёрларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ҳар хил тиллардаги маълумотларни виртуал тизимдан хоҳлаган маълумотни топа олиши;
- интернет тизимида шахсий блоглар ярата олиш;
- интернет учун хабар, мақола ва реклама тайёрлаш;
- ҳар хил тиллардаги маълумотларни виртуал тизимдан хоҳлаган маълумотни топа олиши;
- глобал муҳитда уюштирилиши мумкин бўлган турли ахборот хуружларига қарши кураша олиш;
- блог юритиш технологияларини амалда қўллай олиш;
- Ўзбекистонда онлайн журналистикасининг ривожлантириш бўйича ўз фикрига эга бўлиш;
- мамлакатимизнинг манфаатларини интернет орқали ҳимоя ва ташвиқот қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак;**
- Интернетда журналистик фаолият олиб бориш;
- Интернет блоглари ва блоггерлик фаолиятини юритиш;
- Интернет учун хабар, мақола ва реклама тайёрлаш, журналистик материалларни Интернетда жойлаштириш усулларини билиш;
- Интернетда реклама турлари ва уларни тармоқда жойлаштириш;
- янги ОАВнинг имкониятлари, устунликлари ва уларнинг анъанавий ОАВларнинг хусусиятлари билан солиштириш;
- Журналистларнинг Интернетда ишлаш қулайликлари: ахборот узатиш, маълумот йиғиш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш;
- глобал тармоқдан керакли маълумотларни топиш усулларини билиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Интернет журналистикаси” фани математик ва табиий-илмий фанлар каторига киради. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математика ва табиий-илмий (Олий математика асослари, информатика ва АТ, масс-медиа иқтисоди, типологияси ва техникаси), умумқасбий фанлар (Журналистик ижод маҳорати асослари, жаҳон журналистикаси асослари ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Интернет журналистика миллий журналистиканинг ажралмас қисми бўлиб, у “ОАВда янги компьютер технологиялари”, “Ахборот хизматлари фаолияти”, “Замонавий журналистиканинг йўналишлари”, “Паблик рилейшнз ва реклама”, “Журналистикада касб этикаси”, “Замонавий хорижий ОАВ” фанлари билан узвий боғлиқ.

Интернет журналистика бугунги кунда халқаро ва миллий майдонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан ёритиш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ижобий имижини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Интернет журналистикаси” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий ва илғор усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни таълим жараёнларига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда компьютер технологиялари ва дастурларидан кенг фойдаланилади.

Асосий қисм
Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

“Интернет журналистикаси” фани ўз таркибида қуйидаги уч бўлимга бўлиб ўргатилади:

**1-БЎЛИМ. ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Интернетнинг ОАВ сифатидаги хусусиятлари

Интернетнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Интернет технологиясига тегишли баъзи атамаларнинг таърифланиши. Бугунги кунда барча соҳада Интернетнинг аҳамияти. Интернетнинг ОАВ сифатида шаклланиши ва журналистиканинг ажралмас бўлагига айланиши. Янги ОАВнинг имкониятлари, устунликлари ва уларнинг анъанавий ОАВларнинг хусусиятлари билан солиштирилиш. Интернетнинг кундалик турмушда фойдаланилиши. Интернетнинг бошқа соҳаларда ҳам эришаётган ютуқлари. Мазкур «тармоқ» марказлашмаган ва очиқ коммуникация воситаси эканлиги.

Анъанавий ОАВнинг тезлик билан ривожланаётган ахборот технологиялари билан ҳамнафас юришга ҳаракат қилаётганлиги. Газеталар электрон версиялари, радио ва телеканаллар эшиттириш ва кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон Интернет тармоғи орқали узатилиши. Онлайн телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар сайтларининг рўйхати.

Интернет журналистикасининг назарий асослари

Ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодий ўтиш даврида бўлган давлатларнинг интернет журналистикаси тизими. Интернет журналистика соҳасида чуқур назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш.

Интернет журналистикаси тушунчаси. Интернет журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари: гиперматнлилик, мультимедиялилик, конвергенциялилик, интерактивлик ва бошқалар.

Гиперматн, гиперўлланма сингари имкониятларнинг интернет журналистикаси ахборот тарқатиш самарадорлигига таъсири.

Мультимедиа тушунчаси ва интернетнинг мультимедиа хусусияти билан устунлиги. Мультимедианинг таркибий қисмлари: гиперматн, расмлар, аудио, видео ва анимациялар, уларнинг ишлатилиши, устунликлари ва камчиликлари. Мультимедианинг бошқа ҳар хил

соҳаларда кенг фойдаланилиши ва таъсирчанлиги. Унинг таълим соҳасидаги ютуқлари.

Интернет журналистикасининг конвергенциялилик хусусияти унинг анъанавий ОАВ турлари билан рақобатлашишига ҳамда Унинг онлайн ОАВ пайдо бўлишига кучли таъсир этганлиги.

Интерактив журналистика. Интернет ОАВда интерактив журналистика хусусиятларининг яққолроқ намоён бўлиши. Интернет ОАВда интерактив усуллар.

Интернет журналистикаси ва ахборот хавфсизлиги масаласи. Ташқи хавф ва таҳдидларни англаш, информацион хавфсизликнинг асосий талабларига, жумладан, давлат сирини ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш. Халқаро муносабатларнинг мафкуралашгани, халқаро майдонда турли ижтимоий-сиёсий тузумларнинг тўқнашувлари ва рақобати, етакчи ва ривожланаётган давлатларнинг ташқи сиёсати тенденциялари таҳлили.

Интернет журналистикасининг технологик асослари

Интернет журналистикасининг ижодий ва технологик, илмий асослари. Интернет маконида анъанавий журналистиканинг янги кўринишлари. Интернет журналистикасининг ижодий контентига таъсир қилувчи омиллар. Интернет журналистикасининг ривожланишида технологик омиллар.

Интернет журналистикасининг дастурий асослари. HTML тили. Веб-сайт, портал ва домен тушунчалари. Интернетда қидирув тизимлари. Интернет провайдерлари.

Компьютерда телекўрсатувлар кўриш ва телевизорда Интернетдан фойдаланиш технологиялари ҳақида. Аудио ва видеофайллар билан ишлашга мўлжалланган компьютер дастурлари. Бундай файлларнинг Интернетда жойлаштирилиши учун қулай бўлган форматлари ва уларнинг ўзига хосликлари.

Анъанавий журналистика фаолиятда интернет журналистикасининг ижодий ва технологик имкониятларидан фойдаланиш усуллари.

Онлайн нашрлар фаолияти

Онлайн нашрнинг хусусиятлари.

Онлайн нашрлар типологияси: соф онлайн нашрлар ва анъанавий нашрларнинг онлайн версиялари. Улар фаолиятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар. Онлайн нашрларнинг мавзу ва характерида кўра туркумланиши. Умумий ва ихтисослашган нашрлар.

Онлайн газеталар. Миллий ва хорижий онлайн газеталар. Улар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар. Онлайн газеталар фаолиятидаги интерактив усуллар.

Онлайн журналлар фаолияти. Онлайн журналларда ихтисослашувнинг кучлилиги. Онлайн журналларда ахборот тарқатишнинг таъсирчан воситалари.

Онлайн нашрларда обуна ва даромад топиш масалалари.

Онлайн радио

Онлайн радио (интернет радио) тушунчаси. Онлайн радиоканаллар фаолиятида ишлатиладиган технология ва дастурлар. Онлайн радионинг анъанавий радиоканаллардан фарқли жиҳатлари. Миллий ва халқаро радиоканалларнинг интернетдаги фаолиятининг кенг тус олаётганлиги.

Радиоэшиттиришларнинг оммага кириб бориши ниҳоятда кенгайиши. Анъанавий ва интернет радиодан аудиториянинг фойдаланиш имкониятлари. Уларнинг бир-бирдан устунлик ва камчиликлари. Онлайн радиони эшитиш учун қўйиладиган талаблар.

Онлайн радиоканаллар таснифи. Соф онлайн радиоканаллар ва уларнинг фаолият юритиш шакллари. Анъанавий радиоканалларнинг онлайн версиялари. Ўзбекистонда онлайн радиоканаллар таракқиёти.

Радиостанцияларнинг Интернетда ҳам хизмат кўрсатишга интилишини қўйидаги сабаблари. Интернет-радионинг умумийлиги, чегара билмаслиги. Онлайн радиоэшиттиришларнинг интернетда узатилиш форматлари. Интернетдаги радиоканалларнинг веб-сайтлари.

Онлайн телевидение

Онлайн ТВ ва унинг анъанавий ТВдан фарқли жиҳатлари. Ривожланган давлатларда онлайн ТВнинг кенг оммалашиб бораётганлиги ва бунинг сабаблари. Онлайн ТВнинг кабель, сунъий йўлдошли ва бошқа янги ТВ турларидан фарқли жиҳатлари.

Онлайн ТВ ва ундан фойдаланиш жиҳатлари. Онлайн кўрсатувларнинг интернетда узатилиш форматлари. Интернетнинг телекўрсатувлар билан бирлашиш эҳтимоллари. Телевизордан интернетни ва аксинча компьютердан телекўрсатувлар томоша қилиш имкониятлари.

Онлайн телеканаллар ва уларнинг таснифи. Соф онлайн телеканаллар фаолияти.

Онлайн ТВнинг аудиторияга кўрсатувлар узатишининг янги имкониятлари. Онлайн ТВда “нуктадан кичик нуктага” услубида ахборот

узатиш усулининг кенг қўлланилиши. Онлайн ТВда интерактивликнинг кучли намоён бўлиши.

Онлайн кўрсатувларнинг веб-сайтлари ва бу фаолиятларнинг келажаги.

Интернет аудиторияси

Электрон тармоқ аудиториясининг кескин тарзда ўсаётганлиги ва бунга давлатларнинг иқтисодий ривожланганлик салоҳиятининг таъсири. Интернет аудиториясининг ҳозирги ҳолати. Фойдаланувчиларнинг кескин ошишига туртки бўлган омиллар. Интернетни фойдаланиш бўйича худудий статистик маълумотларнинг таҳлили. Мухлисларнинг анъанавий ва янги ахборот воситаларига муносабатлари. Ўзбекистон аудиториясининг Интернетдан фойдаланишда асосий мақсадлари. Умумий аудиториянинг Интернетни афзал кўриш сабаблари. Мухлисларнинг глобал тармоқда аноним ҳолатда ўз фикрларини эркин ифода этиши.

2-БЎЛИМ. ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ИЖОДИЙ АСОСЛАРИ:

Интернетда журналистик фаолият

Интернет орқали дунё бўйлаб ахборот айланиши ва тармоқда фаолият юритувчи мутахассисларга эҳтиёж.

Журналистларнинг Интернетда ишлаш қулайликлари: ахборот узатиш, маълумот йиғиш ва бошқа имкониятлар. Журналистларнинг Интернетдаги катта маълумотлар банкидан ўз билимларини ошириш мумкинлиги. Интернетда ишловчи журналистлар фаолиятида универсалликнинг талаб қилиниши, яъни географик чегараларни йўққа чиқарган Интернет аудиториясининг ҳар хил миллатдаги, диндаги в.х. эканлигини эътиборга олиш муҳимлиги.

Журналистларнинг Интернетда хабарларни узатиш усуллари ва хусусиятлари.

Ўзбекистонда онлайн журналистиканинг ҳозирги ҳолати. Машҳур онлайн журналистлар.

Интернет манбаларидан фойдаланиш ва ундаги материалларнинг ишончлилиги

Журналист фаолияти учун интернетнинг жуда қўл келиши. Глобал тармоқдан керакли маълумотларни топиш усуллари. Йирик қидирув тизимлари «Google», «Yahoo», «AltaVista», «Яндекс», «Rambler» ва

«Апорт» ҳақида. Қидирув тизимиға сўзларни киритишнинг баъзи жиҳатлари. Интернетдан олинган ҳамма маълумотларнинг ишончли эмаслиги. Норасмий сайтлардаги маълумотларни расмий маълумотлар билан таққослаш зарурлиги. Тармоқнинг бошқарилмаслик ҳолатининг ундаги маълумотларнинг ҳар хил манфаатлар учун қулайлиги.

Интернетда муаллифлик ҳуқуқи. Интернетда фаолият юритишнинг ахлоқий тамойиллари

Интернет журналистикасида маълумотнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммолари. Муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг виртуал кенгликдаги кўринишлари: муаллифнинг розилигисиз Интернетда материални чоп қилиш, фойдаланилган маълумотларнинг манбаларини кўрсатмаслик, плагиат ва бошқалар.

Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни жорий қилиш бўйича халқаро ҳужжатлар. Бу муаммони бартараф этиш учун ҳаракат қилинаётган баъзи чоралар. Интернетдаги қароқчилик ҳаракатларининг баъзи иқтисодий тармоқларга салбий таъсири. Бутун дунё вакилларининг муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маҳсулотлардан фойдаланиш қоидаларига виждонан ёндашиш аҳамияти.

«Нетикет»нинг юзага келиши ва ахлоқий инқироз. Интернетдаги давомий тарзда сақланиб турадиган маълумотларнинг фойдаланувчиларнинг одоб-ахлоқи, ижтимоий ҳаёти ва психологиясига ижобий ва шунингдек, салбий таъсир кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш муҳимлиги. Журналистларнинг фаолиятида дискриминацияга йўл қўйилмаслиги учун деярли барча давлатларда журналистлар учун этика нормалари белгиланганлиги. Интернет журналистининг энг муҳим ахлоқий мезонлари.

Интернет журналистикаси жанрлари

Интернет журналистикасининг жанрий хусусиятлари. Анъанавий журналистика жанрларидан интернет журналистикасида фойдаланиш шакллари. Интернет журналистикасининг ўзига хос жанрлари.

Интернет журналистикаси учун ахборот жанрлари ёзиш талаблари. Таҳлилий жанрлар ва уларнинг интернет журналистикаси аудиторияси психологиясига мос тарзда узатишнинг мураккабликлари. интернет журналистикасида бадиий-публицистик жанрлар.

Интернет журналистикаси ахборот материалларида жанрларнинг конвергенциялашуви тамойили. Мазкур хусусиятнинг ахборот тарқатиш самарадорлигига таъсири.

Онлайн нашрлар учун материал тайёрлаш

Хабар журналистиканинг негизи эканлиги. Кундалик воқеалардан бохабар бўлишда аҳоли учун интернетнинг аҳамияти. Ахборотлар айланишининг турмушимизга ижобий таъсири. Хабарнинг тайёрланиш формуласи ва хусусиятлари. Ҳар хил форматдаги ахборотларнинг аудиторияга таъсир қилиш фарқлари. Хабарларни Интернетда жойлаштириш усуллари.

Интернетда жойлаштириладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар. Мақоланинг ёзилишидан мақсади ва унинг мазмунига қараб турларга бўлиниши. Умумтадқиқот мақола, амалий-таҳлилий мақола ва муаммоли ёки тортишувли мақолаларга тўлиқроқ таъриф бериш. Мақоланинг ёзилиш жараёнлари: “Кузатув, ҳужжатлар билан ишлаш, суҳбат (интервью), сўровнома (анкета) орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш. Доимий ижтимоий-таҳлилий мақолалар берилиб турадиган расмий ва норасмий веб-сайтлар ҳақида. Нашрий ва электрон мақолаларнинг таъсирчанлик жиҳатдан қиёсий таҳлили. Электрон мақолаларни тайёрлашида баъзи муҳим жиҳатларни таҳлил қилиш.

Онлайн журналистикада теле ва радиоматериаллар тайёрлаш хусусиятлари

Ҳозирги кунда радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг онлайн фаолиятини йўлга қўйишнинг кучайиб бориш сабаблари. Телерадиодастурлар тайёрлаш ва уларни интернет сайтларига жойлаштиришнинг мураккаб жиҳатлари.

Онлайн радио ва телеканаллар учун интервью олиш қоидалари. Телерадиоматериалларда формат тушунчаси. Аудио ва видео материалларни монтаж қилиш ва ҳажмини глобал тармоқ аудиторияси қулай фойдаланишига мослаштириш.

Онлайн радио ва телеканаллар фаолиятида интерактив дастурлар тайёрлаш ва узатиш масалалари.

Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда Интернетда фаолият юритаётган радиоканаллар ва телевидение сайтлари фаолияти таҳлили.

Интернет журналистикасида реклама узатиш усуллари

Интернетда рекламаларнинг жуда кўпайиб кетиш сабаблари ва уларнинг фойдаланувчиларга таъсири. Электрон тармоқда рекламалар турлари ва улар ўртасидаги рақобат, таъсирчан реклама тайёрлаш омиллари. Глобал тармоқдаги рекламалар учун ҳақ тўланиш усуллари.

Рекламаларда мультимедианинг ишлатилиши. Спам рекламалар ва уларга нисбатан филтрларнинг ишлатилиши. Баннерларнинг интернетда энг оммавий реклама сифатида ва уларнинг жойлашиши. Баъзи фойдаланувчиларнинг реклама ҳақида фикрлари, статистик маълумот. Интернетда бепул эълонлар «тахта»лар.

3-БЎЛИМ. ФУҚАРОЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИ АСОСЛАРИ **Фуқаролик журналистикасининг пайдо бўлиш тарихи ва ўзига хос хусусиятлари**

Ахборот глобаллашуви даври манзараси. Ахборот асрида глобал ахборот маконининг пайдо бўлиши. Мамлакатлар ва аҳоли ўртасида ахборот чегараларининг йўқолиши. Электрон ҳукумат тушунчаси. Интерактивлик ва интернет. Фуқаролик журналистикасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар.

Фуқаролик журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари ва кўринишлари Унинг ривожланиш босқичлари. Фуқаролик журналистикасидан фуқаролик коммуникация сари. Фуқаролик журналистикасида интернет ОАВнинг ўрни. Фуқаролик журналистикасида касбий фаолият турлари. Фуқаролик журналистикасининг ахборот тарқатиш тизимлари ва каналлари.

Фуқаролик журналистикасининг вазифалари ва жамият хаётидаги ўрни

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида фуқаролик журналистикасининг ривожланиб бораётганлиги ва бунинг сабаблари. “civic journalism” ҳамда “citizen journalism” тушунчаларининг фуқаролик журналистикасининг икки фарқли кўриниши сифатида баҳоланаётганлиги. Мазкур кўринишлар ўртасидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар. Медимейкер тушунчаси.

Фуқаролик журналистикасининг вазифалари. Фуқаролик журналистикасида жамият таркибидаги барча қатламларга кириб бориш имкониятининг мавжудлиги. Фуқаролик журналистикасининг истиқболлари.

Интернет маконида ижтимоий тармоқлар

Ижтимоий тармоқлар фуқаролик журналистикасининг ижодий майдони сифатида. Миллий интернет маконида ижтимоий тармоқларнинг ўрни.

Ижтимоий тармоқлар ва уларнинг таснифи. Ижтимоий тармоқларда ахборот узатиш усуллари ва тамойиллари. “Facebook”, “Twitter” сингари ижтимоий тармоқларнинг халқаро миқёсда ҳам машҳур бўлиб кетиш сабаблари.

Мамлакатимизда оммавийлашган ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос жиҳатлари. Ижтимоий тармоқларда ахборот тарқатиш билан боғлиқ муаммолар. Ижтимоий тармоқларда турли ахборот хуружларидан ҳимояланиш масалалари.

Ижтимоий тармоқлар ва жамоатчилик билан мулоқот. Ижтимоий тармоқлар аудиторияси. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари билан интерактив мулоқот ўрнатиш усуллари. Ижтимоий тармоқларда ахборот хизматларининг саҳифасини очиш ва илгари суриш. Ижтимоий тармоқлардаги ахборот хизматлари саҳифаларида инфографиканинг ўрни.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг халқаро тажрибаси

Блог соҳа феномени ва блогларнинг пайдо бўлиш тарихи

Фуқаролик журналистикасининг тараққиётида блогларни ўрни ва таъсири. Блогсоҳа феномени ва унинг юзага келишига туртки бўлган омиллар.

Блогларнинг пайдо бўлиш тарихи. Дастлабки блоглар. Интернетда ахборот тарқатиш технологияларининг ривожланиши билан блогларнинг имкониятлари ҳам тез кенгайиб бораётганлиги.

Блоггерликнинг ўзига хос хусусиятлари

Оммавий коммуникация тизимида блогларнинг тутган ўрни. Блоггерлик ижтимоий фаолият тури сифатида. Блог тушунчаси ва уни ташкил этиш сирлари.

Интернетда блог турлари. Машҳур блоглар ва блоггерлар. Журналист ва блоггер фаолиятининг хусусиятлари. Халқаро ва миллий интернет саҳифаларида блоггерлар фаолияти.

Блог юритиш қоидалари

Интернетда шахсий блоглар яратишнинг дастурий, ҳуқуқий ва технологик асослари. Блог юритишнинг тамойил ва қоидалари. Блогларнинг таркибий қисмларини тузиш талаблари. Блогнинг асоси – блогпост. Блогларни илгари суриш масалалари.

Блогосферада касбий маҳорат ва ихтисослашув масалалари.

Фуқаролик журналистикаси, ижтимоий тармоқлар ва блоггерликда этика муаммолари

Интернетда мулоқот одоби. Веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқдаги ахлоқий қоидалар. «Моветон» ёки интернетдаги ахлоқсизлик. Интернет аудиторияси билан интерактив мулоқот олиб боришнинг ахлоқий меъёрлари.

Медиамейкерлар, ижтимоий тармоқ модераторлари учун ахлоқий мезонлар ишлаб чиқиш зарурати. Блог юриштишнинг энг муҳим ахлоқий меъёрлари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар интернет журналистикаси, фуқаролик журналистикаси ва интернет блогларининг хусусиятлари билан танишадилар. Мазкур соҳаларнинг жамият ҳаётига таъсири, уларда журналистик фаолият юриштиш сирларини ўзлаштирадилар. Маъруза машғулотларида олган назарий билимларини турли илмий адабиётлар, профессор-ўқитувчилар тавсия этган интернет сайтларидан олган материаллари асосида интерфаол усулда мустаҳкамлайдилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари

- Интернетнинг ОАВ сифатидаги хусусиятлари
- Интернет журналистикасининг назарий асослари
- Интернет журналистикасининг ўзига хос жиҳатлари
- Интернет ОАВда интерактив журналистика усуллари.
- Интернет журналистикаси ва ахборот хавфсизлиги
- Интернет журналистикасининг технологик асослари
- Интернет журналистикасининг дастурий асослари.
- Онлайн нашрлар фаолияти
- Онлайн нашрларда ахборот тарқатишнинг таъсирчан усул ва воситалари.
- Онлайн журналлар фаолияти
- Онлайн нашрларда обуна ва даромад топиш масалалари.
- Онлайн радиоканаллар фаолияти
- Ўзбекистонда онлайн радиоканаллар тараққиёти.
- Онлайн телеканаллар

Онлайн ТВнинг ахборот узатиш усул ва воситалари.
Интернет аудиторияси
Интернетда журналистик фаолият
Ўзбекистонда онлайн журналистиканинг ҳозирги ҳолати. Машҳур
онлайн журналистлар.
Интернет манбаларидан фойдаланиш ва ундаги материалларнинг
ишончлилиги
Интернетда муаллифлик ҳуқуқи. Интернетда фаолият юритишнинг
ахлоқий тамойиллари
Интернет журналистикаси жанрлари
Онлайн нашрлар учун материал тайёрлаш
Онлайн журналистикада аудиоматериаллар тайёрлаш хусусиятлари
Интернет журналистикасида видеоматериаллар тайёрлаш
хусусиятлари
Интернет журналистикасида реклама узатиш усуллари
Фуқаролик журналистикасининг пайдо бўлиш тарихи ва ўзига хос
хусусиятлари
Фуқаролик журналистикасининг вазифалари ва жамият ҳаётидаги
ўрни
Интернет маконида ижтимоий тармоқлар
Ижтимоий тармоқлар ва жамоатчилик билан мулоқот усуллари
Блогсоҳа феномени ва блогларнинг пайдо бўлиш тарихи
Блоггерлик ижтимоий фаолият тури сифатида
Интернетда блог турлари. Машҳур блоглар ва блоггерлар
Блогосферада касбий маҳорат ва ихтисослашув масалалари
Блог юритиш қоидалари
Фуқаролик журналистикаси, ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳада
этика

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини кўшимча манбалар маълумотлари билан қиёслаган ҳолда таҳлил этиш асосида бойитиб борадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш орқали талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш орқали талабалар билимини ошириб бориш, мавзулар

бўйича тарқатма материаллар, тақдимотлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

“Интернет журналистикаси” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, семинар машғулоти мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куруллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Интернет журналистикасининг назарий асослари.
2. Интернет журналистикасининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Интернет ОАВда интерактив журналистика усуллари.
4. Интернет журналистикаси ва ахборот хавфсизлиги.
5. Интернет журналистикасининг технологик асослари.
6. Интернет журналистикасининг дастурий асослари.
7. Онлайн нашрлар фаолияти.
8. Онлайн нашрларда ахборот тарқатишнинг таъсирчан усул ва воситалари.
9. Онлайн журналлар фаолияти.
10. Онлайн нашрларда обуна ва даромад топиш масалалари.
11. Онлайн радиоканаллар фаолияти.
12. Ўзбекистонда онлайн радиоканаллар тараққиёти.
13. Онлайн телеканаллар.
14. Онлайн ТВнинг ахборот узатиш усул ва воситалари.
15. Интернет аудиторияси
16. Интернетда журналистик фаолият
17. Ўзбекистонда онлайн журналистиканинг ҳозирги ҳолати. Машҳур онлайн журналистлар.
18. Интернет манбаларидан фойдаланиш ва ундаги материалларнинг ишончлилиги
19. Интернетда муаллифлик ҳуқуқи. Интернетда фаолият юритишнинг ахлоқий тамойиллари
20. Интернет журналистикаси жанрлари.
21. Блог юритиш қоидалари.
22. Фуқаролик журналистикаси асослари.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- интернет журналистикага тегишли маъруза дарсларида ўқув электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда таълим технологиялардан;
- Ўзбекистон Республикасида интернет журналистикаси асосларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. Т., Университет. 2007.
2. Усмонов А.И., Бахрамов Ф.Д. Компьютер технологиялари асослари. Т., 2010.
3. Рашидова Д. Интернет как источник журналистской информации. Т., Университет. 1999.
4. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. Т., Ўзбекистон босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди. 2010.
5. Қосимова Н ва бошқ. Босма ОАВ тахририятлари учун қўлланма. –Т., Ўзбекистон босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди. 2008.

Қўшимча адабиётлар:

1. Агеев А. Газета, глянец, Интернет. Литератор в трех средах. Издательство: Новое Литературное Обозрение. Москва, 2001.
2. Мультимедиа: творчество, техника, технология. Издательство: СПбГУП. Санкт-Петербург. 2005.
3. Дворко Н. Профессия - режиссёр мультимедиа. Издательство: СПбГУП. Санкт-Петербург. 2004.
4. Леонтьев В. Самоучитель мультимедиа. Обработка фотографий, музыки и видео. – Москва.: Издательство: Олма-Пресс. 2005.
5. Зельдман Дж. Говорящая структура. Создание архитектуры с выразительностью текста. <http://www.webmascon.com> Д.Кирсанов. Веб-дизайн. Издательство: Символ-Плюс. Санкт-Петербург. 2003.
6. Босма оммавий ахборот воситаларида медиа бизнесни юритиш асослари, Амалий қўлланма, Т., 2008.
7. Босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари учун қўлланма, Т., 2008.

Интернет сайтлари

1. Нильсен Я. 10 главных ошибок в веб-дизайне три года спустя. <http://www.webmascon.com>
2. КартерМ. Современный дизайн газет. <http://www.internews.ru>. 2003.
3. vitaweb.jino-net.ru
4. www.journalism.ru
5. www.mediasprut.ru
6. www.citforum.ru
7. www.case.nnov.ru
8. www.hi-edu.ru
9. www.opennet.ru
10. www.telemultimedia.ru

